

I-Мавзу. 2-маъруза:

ЕР ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ

РЕЖА:

1. Ер ҳуқуқи тизими.
2. Ер ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни

Маъруза машғулоти ўқитиш технологияси модели

Талабалар сони 96	1-Мавзу, 2-маъруза 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза-ахборот
Машғулотнинг режаси:	1.Ер ҳуқуқи тизими. 2.Ер ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни
Машғулотнинг мақсади: Ер ҳуқуқи тизими, ер ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни тўғрисида тасаввурни шакллантириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
1.Ер ҳуқуқи тизими.тўғрисида тушунча беради. 2.Ер ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни .тўғрисида тушунчани беради.	1.Ер ҳуқуқи тизими тўғрисида тасаввур шаклланади.. 2. Ер ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни тўғрисида тасаввур шаклланади..
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, намойиш, ақлий ҳужум,
Ўқитиш воситалари	Доска, слайдлар
Ўқитиш шакли	жамоавий
Ўқитиш шарт- шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория
Мониторинг баҳолаш	блиц сўров

МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 15 дақиқа	<p>Гурухлар давомати назорат қилинади.</p> <p>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади</p>	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 55 дақиқа	<p>2.1. Мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.</p> <p>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади.</p> <p>Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2..3. Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.</p> <p>3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)</p>	<p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

Асосий:

1. Ben McFarlane, Nicholas Hopkins. **Land Law**: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
2. М.Х. Рустамбоев ва бошқ. **Ер ҳуқуқи**. Дарслик – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
3. **Земельное право республики Узбекистан**. Учебник. Под. ред. М.Х. Рустамбаева. ҳуқуқи. Т.: ТДЮИ, 2007. -215 стр.
4. А. Нигматов. **Ер ҳуқуқи**. Ўқув қўлланма. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
5. А. Нигматов. **Земельное право**. Учебное пособие – Т.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
6. Узоқова Г.Ш. **Аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи**. Т.: ТДЮИ, 2006. -117 б.
7. М. Mirzaabdullaeva, A. Muqimov, Z. Xafizova. **Yer huquqi**, O'quv qo'llanma. -Т.: TIMI, 2016. -196 б
8. **Земельное право**: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Учебник./Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -400 стр.

Қўшимча:

1. Ўзбекистон Республикасининг **Ер кодекси**, Ўзбекистон, Т.: 1998
2. Ўзбекистон Республикасининг [қонун](#)лари ва қонун ости ҳужжатлари (Ўзбекистон Республикаси Президентининг [ПФ-5065](#) фармони, ВМнинг [529](#)-сонли қарори)

Интернет ресурслари

1. [http:// www. colibri.ru/;](http://www.colibri.ru/)
2. [http:// www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)

ЕР ҲУҚУҚИ ТИЗИМИ

Мустақил ҳуқуқ тармоғи бўлган ер ҳуқуқи нормалари мазмун жihatидан хилма-хил бўлгани учун уларни маълум бир тизимга солиш катта аҳамият касб этади.

Ер ҳуқуқи тизими тушунчаси нимани англатади?

Ер ҳуқуқи тизими деб ер-ҳуқуқи институтлари жамланмасига айтилади.

Ер-ҳуқуқи институти тушунчаси нимани англатади?

Ер-ҳуқуқи институти деганда жинслик хусусиятига эга бўлган бир жинсли (йўналишдаги) ер ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи ер ҳуқуқий меъёрларининг жамланмасига айтилади

ЕР ҲУҚУҚИ ИНСТИТУТИ

ТАРТИБГА СОЛУВЧИ

МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ

ЕР ҲУҚУҚИ ИНСТИТУТИ

**ОДДИЙ ЕР
ҲУҚУҚИ
ИНСТИТУТИ**

**МУРАККАБ ЕР
ҲУҚУҚИ
ИНСТИТУТИ**

**Ер
ҳуқуқининг
оддий
институти
тавсифи**

Институтлар ва уларга жамланган нормалар эса ўз навбатида ер ҳуқуқи тизимининг ички тартибини ташкил этади. Масалан:

-ер кадастрини юритиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тўплами давлат ер кадастри ҳуқуқий институтини ташкил этади;

-ер тузишни ўтказиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар ер тузиш ҳуқуқий институтини ташкил этади.

-Демак оддий ер –ҳуқуқи институти деганда бир йўналишдаги ер муносабатларини тартибга солувчи нормалар йиғиндисиға тушунилади.

**Ер
ҳуқуқининг
мураккаб
институти
тавсифи**

Ер ҳуқуқининг бир нечта оддий институтлари йиғиндиси унинг мураккаб институтини ташкил этади.

Ер ҳуқуқининг мураккаб институтига мисол қилиб **ерларнинг давлат бошқаруви** ҳуқуқий институтини келтирсак бўлади. Чунки бу институт ер тузиш, ер кадастрини юритиш, ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб бориш, ер хусусидаги низоларни ҳал этиш ва бошқа шунга ўхшаш институтларни ўз ичига олади.

Мураккаб институтга яна мисол қилиб **ердан фойдаланиш ҳуқуқи** институтини айтишимиз мумкин. У ўз навбатида қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи, фуқароларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи, ноқишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа институтларни ўз ичига қамраб олади

Ер –ҳуқуқи институтлари тавсифи

Ер ҳуқуқи институтлари нисбатан мустақил ва барқарордир. Улар бир-биридан фарқ қилади ва тавсифи бўйича турли хил бўлган ер муносабатларини тартибга солади. Ер ҳуқуқи тизимидаги ҳар бир институт бошқа институтларга нисбатан ва ер муносабатларини тартибга солиш аҳамият ига кўра кетма-кет жойлашади. Бундан ташқари ер ҳуқуқи умумий қисмини ташкил этадиган институтлар **умумий институтлар** ва алоҳида қисмидагилар эса **махсус**, яъни **предметли** институтлар деб аталади

Ер –ҳуқуқи институтлари тавсифи

Умумий қисм институтлари ўзидаги меъёрларда мазкур фан тармоғи ва қонун ҳужжатлари ривожланиши учун асос бўладиган энг муҳим ҳолатлар, қоидалар ёки тамойилларни акс эттиради. Бу институтларда жамланган ҳолатлар, қоидалар ва тамойиллар ер ҳуқуқининг махсус институтлари мазмуни ва таркиби шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Алоҳида қисмининг институтлари эса умумий институтларга нисбатан бўйсинувчи вазиятда бўлади. Улар мазкур ҳуқуқ тармоғининг умумий ҳолатлари, қоидалари ёки тамойилларини намоён қилмайди. Уларнинг амал қилиш доираси маълум ижтимоий муносабатлар билан чекланган бўлади. Бу тоифадаги институтларнинг меъёрлари ижтимоий муносабатлар қатнашчиларининг субъектив юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.


**КОНСТИТУЦИЯВИЙ
ҲУҚУҚ**

**ФУҚАРОЛИК
ҲУҚУҚИ**

**ЕР ҲУҚУҚИ
билан боғлиқ
бўлган ҳуқуқ
турлари**

**ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИК
ҲУҚУҚИ**

**ЭКОЛОГИЯ
ҲУҚУҚИ**



Ер ҳуқуқи билан конституциявий ҳуқуқ ўртасида қандай алоқа мавжуд?

Ер ҳуқуқи бошқа ҳуқуқ тармоқларининг ичида **конституциявий ҳуқуқ** билан энг яқин ва узвий боғлиқдир. Зотан, конституциявий ҳуқуқ меъёрлари ер ҳуқуқи тамойилларининг асоси ҳисобланади. Конституцияда ер ва бошқа табиат бойликлари умуммиллий бойлик эқанлиги, у самарали фойдаланилиши кераклиги ва давлат томонидан муҳофаза этилиши белгиланган ([55-модда](#)). Ер фондини давлат бошқаруви, ер қонун ҳужжатларини маъмурий-ҳуқуқий тартибда бузганлик учун айбдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш соҳасидаги ер ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда ер ҳуқуқи маъмурий ҳуқуқ нормаларидан фойдаланади.

Ер ҳуқуқи билан фуқаролик ҳуқуқи ўртасида қандай алоқа мавжуд?

Ер ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимининг забардаст ҳуқуқ тармоғи бўлган **фуқаролик ҳуқуқи** билан алоқадорлиги катта аҳамият касб этади. Ер ҳуқуқи ва фуқаролик ҳуқуқининг бир бири билан боғлиқ бўлиши негизида ер ва фуқаролик муносабатлари ижтимоий-иқтисодий табиатининг умумийлиги ётади. Ер муносабатларининг айримлари мулкӣ муносабатлар бўлганлиги учун фуқаролик муносабатлари билан қондош бўлади.

Ер ҳуқуқи билан экология ҳуқуқи ўртасида қандай алоқа мавжуд?

Ер ҳуқуқи **ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ** билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Шу ўринда айтиш лозимки, ер ҳуқуқининг мустақил ҳуқуқ тармоғи сифатида тан олинishi шаклланиб келаётган экология ҳуқуқини инкор этмайди. Ер ҳуқуқи экология ҳуқуқининг ажралмас қисми деб, қаралиши мумкин бўлмасда, у ердан фойдаланишни муҳофаза қилиш муносабатларидан ажратиб тартибга солмайди. Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бир бири билан узвий боғланган ва ажралмас жараёндир

Ўтилган мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун

БЛИЦ САВОЛЛАР:

- 1. Ер ҳуқуқи тизими тушунчаси нимани англатади?**
- 2. Ер ҳуқуқи институти тушунчаси нимани англатади?**
- 3. Ер ҳуқуқи қайси ҳуқуқ турлари билан чамбарчас боғланган?**

Уйга вазифа (2-илова)

Инсерт жадвал

V	+	-	?

“√” - мен билган маълумотларга мос;

“-” - мен билган маълумотларга зид;

“+” - мен учун янги маълумот;

“?” - мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади.